

631+338.24(0433)

к

с-22

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УДК: 631+338.24 (575.1)

**САЙДАХМЕДОВ ОБИДХОН АНВАРОВИЧ**

**АГРАР СОҲАНИ БОШҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ  
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 - Менежмент**

**Иқтисод фанлари номзоди илмий  
даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2012



631+338.24(043.3)

С-22

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор  
Назарова Фатимахон

Расмий оппонентлар: ЎзР ФА академиги,  
иқтисод фанлари доктори, профессор  
Ғуломов Саидахрор Саидахмедович

иқтисод фанлари номзоди  
Ташматов Рустам Хусанович

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети


Диссертация ҳимояси 2012 йил "11" сентябр соат 9<sup>00</sup> да Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100003. Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил "10" октябрь да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби, иқтисод  
фанлари номзоди, доцент



А.Н.Самадов

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон аграр соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида мулк давлат тасарруфидан чиқарилиб, хўжалик юритишнинг нодавлат шакллари вужудга келтирилди ҳамда асосий кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш фермер ва деҳқон хўжаликлари улушига тўғри келмоқда. Бунинг боиси, улар фаолияти тадрижий равишда ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Соҳани бошқариш эса, вертикал шаклда вилоят, туман ва хўжаликлар миқёсида бозор муносабатларига мослаштирилиши, ривожланишнинг инновацион йўналишига ўтилиши туфайли, модернизациялаш жараёнига чуқурроқ кириб борилмоқда. Бундай шароитда *анъанавий бошқариш усуллари* соҳа ривожланишига етарли даражада таъсир кўрсата олмаяпти, аксинча, бошқариш самарадорлигининг пасайишига ҳамда «...хўжаликларнинг пахта ва ғалла етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини бажара олмаслигига»<sup>1</sup> сабаб бўлмоқда.

Соҳани бошқаришда марказ, ҳудуд ва хўжаликлар даражасида бир-бирини такрорлашдан ташқари юқори бошқариш тизимининг хўжалик фаолиятига ортиқча аралashi, иқтисодий омилларга нисбатан кўпроқ маъмурий услублардан фойдаланиш кузатилмоқда. Бу эса, аграр соҳада узок муддатга мўлжалланган барқарор ривожланиш ва соҳани модернизациялашни йўлга қўйиш, инновацион лойиҳаларни амалга оширишга салбий таъсир этмоқда.

Бу борада мамлакатимиз Президентини И.А.Каримов, «...узок муддатли истиқболга мўлжалланган мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу, асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат»<sup>2</sup>, дея таъкидлаган эдилар.

Маълумки, инвестициялар жалб қилиш кўп жиҳатдан самарали бошқариш тизими ташкил этилганлигига ва хўжалик юритиш иқтисодий механизм асосида олиб борилишига боғлиқ. Буларнинг барчаси аграр соҳада бошқариш тизимини чуқур тадқиқ қилиш ва унинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади. Мавзунинг танланиши ва унинг долзарблиги мазкур ҳолатлар билан асосланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аграр соҳани бошқариш бўйича иқтисодиёт фанининг ривожланишига бир қатор таниқли хорижий иқтисодчи олимлардан И.А.Алтухов, И.Н.Буздалов, М.Баккет, В.М.Баутин, Л.Н.Девяткина, Н.А.Попов, И.Г.Ушачев ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. «2012 йил ватаннимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги матрузаси». Халқ сўзи, №14 (5434). 2012 йил 20 январь.

<sup>2</sup> Каримов И.А. «Асосий вазирамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир». – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010 й. – Б. 65.

<sup>3</sup> Алтухов И.А., Девяткина Л.Н. Становление фермерства в России // Аграрная наука. – Москва, 2000. – № 8. – С. 2-3; Буздалов И.Н. Аграрная реформа в России (концепции, опыт, перспективы). – Москва, 2000. – С. 325;

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Қ.Ҳ.Абдурахмонов, Ё.А.Абдуллаев, Ш.Н.Зайнутдинов, М.Ш.Шарифхўжаев, С.С.Ғуломов ва бошқа бир қатор олимлар илмий ишларида менежментнинг назарий ва услубий асослари атрофлича ёритилган<sup>4</sup>. Шунингдек, Б.А.Акрамов, Б.Беркинов, Ф.Назарова, К.А.Насирова, Р.Х.Ташматов, В.И.Талибжанова, Ў.П.Умурзоқов, Т.Х.Фармонов, Н.С.Хушматов, Р.Ҳ.Хусановлар томонидан аграр соҳа муаммолари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқаришнинг назарий асослари ҳамда тадбиркорлик соҳасини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилган<sup>5</sup>. Аммо, мазкур тадқиқотларда фермер хўжаликларида бошқаришни демократик ва иқтисодий услубиятда олиб боришга таъсир этувчи омиллар, соҳани вертикал бўйича бошқаришдаги муаммолар ҳамда соҳани бошқаришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалаларига етарлича эътибор берилмаган ва ушбу муаммо алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Мазкур ишнинг бошқа илмий ишлардан фарқи шулар билан белгиланади.

**Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация мавзуси Тошкент молия институтининг «Менежмент ва маркетинг», «Бизнес ва тадбиркорлик» кафедралари илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ олиб борилган.

**Тадқиқот мақсади.** Иқтисодий таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификациялаш шароитида республика ва унинг ҳудудларида аграр соҳани бошқаришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш, бошқарув механизми самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

Баккет М. Фермерское производство: организация, управление, анализ. – М.: Агропромиздат, 2002. – С. 470; Баутин В.М. Понятие «инновация» как экономическая категория // Развитие инновационной деятельности в АПК: материалы международной научно-практической конференции. – М.: ФГНУ «Росинформагротех», 2003. – С. 251 – 253; Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. – М.: Дело и сервис, 2005. – С. 56; Ушачев И.Г. Научное обеспечение государственных программ развития сельского хозяйства России. – М., 2006. – С. 9.

<sup>4</sup> Абдурахмонов Қ.Ҳ., Имомов В.А. Ўзбекистонда меҳнат потенциалдан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш. Монография. – Т.: Академия, 2008. – Б. 224; Шарифхўжаев М.Ш., Абдуллаев Ё.А. Менежмент: дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2001. – Б. 451; Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. Менежмент асослари. – Т.: Молия, 2002. – Б. 8; Ғуломов С.С. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т., 2002. – Б. 337.

<sup>5</sup> Акрамов Б.А. ва бошқалар. Қишлоқда фермер хўжаликларини юзага келиши ва ривожланишининг асосий тамойилларини белгилаш: услубий қўланма. – Т., 2007. – Б. 23; Беркинов Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжалиқлар ва уларга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларни ривожлантириш истиқболли: илмий-оммабоп нашр – Т.: ГДИУ, 2008. – Б. 43; Назарова Ф. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истиқболлари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2001. – Б. 31; Насирова К.А. Йирик ишлаб чиқарish корхоналари қошида кичик бизнесни ташкил этиш ва бошқариш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2011. – Б. 10; Ташматов Р.Х. Фермер хўжалиқлари кооперацияси ва бозор инфратузилмалари ривожланишини бошқариш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2010. – Б. 12; Талибжанова В.И. Ўзбекистонда эркин тадбиркорлик фаолиятининг салоҳиятини ошириш ва уни бошқариш механизмлари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2009. – Б. 17; Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж., Тошбоев А.А. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Iqtisod-Moliya.-2008. – Б. 10, 13; Фармонов Т.Х. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжалиқларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2006. – Б. 25; Чориев Қ.А., Хушматов Н.С. Деҳқон ва фермер хўжалиқлари фаолиятини режалаштириш. – Т.: Шарк. – 2002. – Б. 132; Хусанов Р.Ҳ. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар ва аграр иқтисодиёт. – Т.: Yangi asr avlodi, 2004. – Б. 213.

**Тадқиқот вазифалари.** Диссертациянинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда куйидагилар тадқиқот вазифалари, деб белгиланди ва ҳал этилди:

- мамлакат аграр соҳасида ўтказилган иқтисодий ислохот йилларида бошқаришдаги иқтисодий ва тузилмавий ўзгаришлар тадқиқ қилиниб, унинг ҳозирги ҳолатига илмий асосланган баҳо бериш;

- аграр соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, унинг вертикал тарзда бошқариш тизими услубиятларини таснифлаш;

- фермер хўжаликларини бошқариш тизимида иқтисодий механизм жорий қилинишининг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини монографик тарзда ўрганиш ва фермер хўжаликларини бошқаришда иқтисодий услубиятни қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- аграр соҳани бошқариш механизми самарадорлигини оширишда жаҳон тажрибаси ўрганилиб, улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- аграр соҳа корхоналари инновацион ривожланишини бошқариш ҳолатини ўрганиш ва инновацион лойиҳалар асосида ривожланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- аграр соҳанинг марказ, вилоят, туман ва хўжаликлар даражасида бошқаришнинг бир-бирига боғлиқлик механизмини ўрганиш ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси фермер ва деҳқон хўжаликлари бошқаруви ва иқтисодий фаолияти танланган.

Ўзбекистон Республикаси аграр соҳасини бошқариш, ундаги асосий тенденцияларни баҳолаш, иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий-иқтисодий муносабатлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари:** тадқиқот жараёнида статистик гуруҳлаш ва таққослаш, иқтисодий таҳлил, функционал ёндашув, монографик кузатиш, социологик сўров усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқот гипотезаси.** Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши аграр соҳа корхоналари, хусусан, деҳқон ва фермер хўжаликлари бошқарилишини инновациялар асосида ташкил этилиши ва ташкилий-иқтисодий механизми такомиллаштирилишига қўмаклашади.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

- аграр соҳадаги иқтисодий ва таркибий ўзгаришлар зарурияти асосланиб, бошқаришнинг иқтисодий механизми бўйича илмий таклифлар;

- фермер хўжаликлари фаолиятини бошқаришда демократик ва иқтисодий услубиятларга ўтиш омилилари;

- аграр соҳанинг инновацион лойиҳалар асосида ривожланиши ҳамда фермер хўжаликларини инновацион жараёнларга жалб қилиш;

- республика аграр соҳасининг вертикал бошқариш тизимини фермер хўжаликлари миқёсида такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар.

**Илмий янгилigi.** Тадқиқотнинг илмий янгилigi ва натижалари куйидаги жихатларда намён бўлади:

- аграр соҳа амалиётидаги бошқаришнинг турли услубиятларига илмий асосланган баҳо берилди, соҳадаги иқтисодий ва таркибий ўзгаришлар зарурияти асосланиб, бошқаришнинг иқтисодий механизми таснифланди;

- республика аграр соҳасида вертикал бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид илмий асосланган тавсиялар берилган;

- фермер хўжаликлари фаолиятини демократик ва иқтисодий услубиятларда бошқаришга тўсик бўлаётган омиллар аниқланган, уларнинг ечимлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

- фермер хўжалиги раҳбарининг билими, малакаси, иш стажы, тўлик эркинликка эга бўлишининг бошқариш услубиятига ва якуний натижага таъсир этиш механизми тадқиқ қилинган ва ушбу ҳолатни яхшилаш бўйича таклифлар берилган;

- жаҳон тажрибасининг мос жиҳатларидан республикамиз аграр соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштиришда фойдаланиш йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

- аграр соҳа корхоналарини инновацион лойиҳалар асосида ривожлантириш ҳамда фермер хўжаликларини инновацион жараёнга жалб қилиш бўйича илмий асосланган тавсиялар берилган;

- республика аграр соҳасининг бошқариш тизимини фермер хўжаликлари миқёсида такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертацияда берилган аграр соҳанинг бошқарув бўғинларини мақбуллаштириш, фермерларни ўз вақтида қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, ҳамда янги мутахассислик эгалланишига интилишларни ташкил қилиш, аграр соҳа корхоналарида инновацион ривожланишни бошқариш каби хулоса ва таклифлардан фойдаланиш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ва туман тизимлари, шунингдек, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси, унинг вилоят ва туман вакилликлари, фермер ва деҳқон хўжаликларини инновацион бошқариш тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Шу билан бирга, илмий ишнинг назарий тавсиялари, ғоялари иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида «Агросаноат мажмуасини бошқариш», «Менежмент назарияси», «Инновацион менежмент», «Таваккалчиликни бошқариш» каби фанлар ўқув-услубий мажмуалари, ўқув дастурлари, ўқув адабиётлари яратилишида қўлланилиши мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертациянинг услубий ишланмалари ва амалий таклифлари Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси (№1 06.06.2011 й.), «Хумор она» фермер хўжалиги (№1 27.04.2011 й.) ва Тошкент молия институти (№ 26 20.06.2011 й.) томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертациянинг асосий хулоса ва натижалари «Аграр тармокни ривожлантириш иқтисодиётнинг истикболидир» (Тошкент, 2010), «Ўзбекистон аграр соҳасида иқтисодий ислохотлар жараёнида бошқариш ва иқтисодий ўзгаришларнинг тадрижий йўли» (Тошкент, 2011), «Управление

инновационными процессами в АПК» (Двадцать четвертые международные плехановские чтения. – Москва, 2011), «Аграр соҳада инновацион фаолиятни бошқаришни такомиллаштириш» (Тошкент, 2011), «Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодийнинг муҳим таянчи» (Тошкент, 2011), «Фермер хўжалиқларини бошқариш услубиятлари ҳолати ва муаммолари» (Тошкент, 2011) мавзусидаги илмий ишлари илмий журналлар, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама этилган ва маъқулланган.

Шунингдек, диссертация иши Тошкент молия институти Бошқарув факультети «Менежмент» кафедрасининг кенгайтирилган йиғилишида (2011 йил 15 июндаги 22-сонли баённома) ҳамда Тошкент давлат иқтисодий университети ҳузуридаги Д. 067.06.01 - рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда 08.00.13 – «Менежмент» ихтисослиги бўйича (2011 йил 21 октябрдаги 10-сонли баённома) муҳокама этилиб, химояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълоп қилинганлиги.** Илмий ишнинг асосий натижалари бўйича 16 та илмий иш, шу жумладан, олти та журналларда, ўн та илмий анжуман тўпламларида мақолалар ва маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, мазмунан ўзаро боғланган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, умумий ҳажми 165 бет, 13 та жадвал, ўн та расмдан тапқил топган.

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети танланган.

Диссертациянинг **«Аграр соҳани бошқариш услубиятлари ва концептуал асослари»**, деб номланган биринчи бобида аграр соҳани бошқариш услубиятларининг назарий асослари, соҳани бошқаришда иқтисодий ва таркибий ўзгаришларнинг концептуал асослари, аграр соҳани бошқаришни такомиллаштиришнинг зарурияти ва амалга ошириш даврлари ёритилган.

Диссертациянинг **«Иқтисодий ислохотлар йилларида аграр ишлаб чиқариш ва фермер хўжалиқларини бошқаришдаги ўзгаришлар»** номли иккинчи бобида иқтисодий ислохотлар йилларида аграр ишлаб чиқаришни бошқаришдаги ўзгаришлар ва уларнинг ҳозирги ҳолати, фермер хўжалиқларини бошқариш услубиятлари ҳолати ва муаммолари, фермер хўжалиқларида бошқариш самарадорлигини ошириш омиллари ва ечимлари ўрганилган, зарур тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Аграр соҳани бошқаришнинг иқтисодий механизмини ривожлантириш»**, деб номланган учинчи бобида хорижий давлатларда аграр ишлаб чиқариш тизимини бошқариш тажрибалари, аграр соҳа корхоналарини инновацион ривожланишини бошқариш, республика аграр соҳасида бошқаришнинг иқтисодий механизмини ривожлантириш устувор йўналишлари тадқиқ қилинган.

Диссертациянинг **хулоса** қисмида тадқиқот мазмунидан келиб чиқадиган асосий хулосалар ва тавсиялар келтирилган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Қишлоқ хўжалигида турли таркибий ўзгаришлар, хўжалик юритишнинг турли шакллари фаолият юритиши тармоқни бошқариш тизимини ҳам бозор талаблари ва қонунилари асосида ислох қилиш, маъмурий буйруқбозлик

услугларидан воз кечиш, соҳада бошқаришни мувофиқлаштириш билан алмаштириш ва консалтинг маслаҳат бериш услубларига ўтиш орқали амалга оширилмоқда. Яъни, иқтисодий ислохотлар йилларида биринчидан, аграр соҳа билан боғлиқ вазирликлар ва идоралар тузилмасида, улар фаолиятини бозор муносабатларига мослаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар вертикал бўйича вилоятлар ва туманлар миқёсида ҳам таъбиқ этилмоқда.

Аграр соҳани бошқаришни тубдан ўзгартириш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари тузилмаси, мақсад ва вазифалари, юқори малакали кадрлар билан таъминлаш масалалари кўриб чиқилди. Қишлоқ хўжалиги ривожланиши кўп жиҳатдан илм-фан ютуқлари ва илғор тажрибалар жорий қилинишига боғлиқлиги ҳисобга олиниб, мазкур вазирлик тасарруфидаги барча соҳаларга тааллуқли ва ўз таркибида тажрибали мутахассислар ҳамда олимларни бириктирувчи олгита йўналишда махсус Кенгашлар тузилиши ва кенгаш раислари вазирликнинг ҳайъат аъзолари бўлиши, вазирликнинг тегишли бошқармалари ва бўлимлари кенгашнинг ипчи органлари вазифасини бажариши соҳани бошқаришнинг мутлақо янгича демократик шакли фаолият юритаётганини ифода этади. Бу ҳам, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигини бошқариш бўйича кенг қўламда тажрибали мутахассислар жалб қилиш имкониятини яратди. Олиб борилаётган чора-тадбирлар туфайли, аграр ишлаб чиқаришни бошқаришда бозор муносабатлари томон сезиларли силжишларга ҳамда аҳолини озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари тўлароқ қондирилишига эришилмоқда (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Республика бўйича асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш динамикаси (1995-2010 йй).<sup>6</sup>

Йиллар	Маҳсулот турлари (минг тонна ҳисобида)						
	ғалла	сабзавот	картошка	мева	узум	ғўшт	сут
1995	3215,3	2724,7	439,9	602,3	621,0	508,7 *	3665,4
2000	3929,4	2644,7	731,1	790,9	624,2	501,8 *	3632,5
2005	6171,3	3517,5	924,2	851	589,1	1060,4	4554,7
2006	6546	4294	1021	1182	803,6	1139,4	4855,6
2007	6771	4691	1189	1269	880,3	1208,7	5097,5
2008	6730,6	5221,2	1398,7	1402,8	791,0	1287,9	5426,3
2009	7391,6	5704,7	1524,5	1542,9	899,6	1367,7	5779,0
2010	7200	6346,4	1692,9	1710,4	987,4	1461,4	5802
2010 йилда 1995 йилга нисбатан, фоиз ҳисобида	223,9	232,9	384,8	283,9	159,0	172,7	158,2

<sup>\*</sup> сўйилган вазнда

<sup>6</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.



Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, иқтисодий ислоҳот йилларида барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича барқарор ўсишга эришилди. Яъни, бу борада иқтисодий ва моддий манфаатдорлик масалалари ҳал қилиниши, етиштирилган маҳсулотга эғалик қилиш ва эркин сотилиши, ғалла ва пахтадан бошқа барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмаси бекор қилиниши каби иқтисодий ўзгаришлар сабаб бўлди.

Шундай қилиб, иқтисодий ўзгаришлар ўз натижаларини бера бошлади, яъни маҳсулот етиштирувчилар энг аввало, ўзлари иқтисодиётни ҳар жиҳатдан мустақамлашлари учун астойдил меҳнат қилишларини тушуниб етганликлари боис ҳам, меҳнат самарадорлиги орта бошлади. Аграр хўжаликлар бошқаруви шакллантирилиши иқтисодий механизмга асосланган ҳолда ташкил қилиниши, бунинг учун эса хўжалик раҳбарлари дастлаб мукамал бўлган бизнес-режа тузиши, ходимларга функционал вазифалар аниқ белгилаб берилган ҳолда иш топширилиши ва уларни бошқаришдаги ишгиروي таъминланиши, мақсадли кредит олиш ва қайтариш ҳамда сервис хизмати кўрсатиш корхоналари билан иқтисодий муносабатлар шартнома асосида йўлга қўйилиши тақозо этилади. Бу эса, албатта пировард натижада бошқарув самарадорлигини оширади (1-расм).

Маълумки, мулк шакли ўзгариши ва молиявий мустақилликка эришишда хўжаликнинг асосий фонди шаклланиши ва фойда миқдори тақсимланишининг мустақил тарзда ҳал қилиниши иқтисодий бошқариш услубиятидан далолат бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижаларга бевосита боғлиқ жавобгарлик масъулияти эканлигини кўрсатмоқда. Ҳар бир корхонада, унинг ҳар бир бўғинида тижорат ҳисоб-китоблари ривожланиши тадбиркорлик менежменти (бошқариш) ривожланиш даражасига қараб амалга оширилади.

Аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар икки муҳим йўналишни қамраб олади:


- иқтисодиётдаги ўзгаришлар;

- қишлоқ хўжалиги вертикал бўйича вазирликдан тортиб, (вилоят, туман) қишлоқ хўжалиги корхоналаригача бўлган тизимни бошқаришдаги ўзгаришлар.

Иқтисодиётдаги ўзгаришлар мустақил аграр сиёсат олиб борилишини ва босқичма-босқич амалга оширилишини, яъни хўжалик юритишнинг турли шакллари ва бошқариш тизимининг бозор иқтисодиётига мослаша олиш даражаси ва вертикал шаклда оптимал вариантни аниқлаш каби ҳолатлар билан бевосита боғлиқ бўлмоқда.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, соҳани бошқаришда республика, вилоят, туман ва хўжаликлар микёсида турлича услубий ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар бўйича мужассамлашган тарздаги бирон бир тизим яратилмаган.

Бундан ташқари, бошқаришда вертикал бўғинлар бўйича вазифалар аниқ чегараланмаган, юқори ташкилотлар қуйи ташкилот ипларига аралашини, бошқаришда эса бир-бирини такрорлаш ҳолатлари мавжуд.



1-расм. Аграр соҳани бошқаришнинг иқтисодий механизми\*

\* Муаллиф томонидан тузилган.

Бундай ҳолатлар ўз навбатида:

- биринчидан, вазифалар бажарилишида вертикал бўйича бир-бирини такрорлаш ҳолатлари юзага келишига, бошқариш самарадорлиги пасайишига олиб келмоқда;

- иккинчидан, истиқболда ҳал қилиниши ва ишлаб чиқаришни инновацион ривожланиш асосига ўтказиш билан боғлиқ бўлган муаммоларга етарлича эътибор берилмаслигига сабаб бўлмоқда;

- учинчидан, қўйи бўғин бошқарув тизимининг эркин фаолият юритиши чекланиб қолмоқда;

- тўртинчидан, республика миқёсида технологик ва таъкилий масалалар бўйича тавсиялар ҳудудларнинг шарт-шароитлари чуқур ўрганилмаган ҳолда умумий тарзда берилмоқда.

Бундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида вертикал бўйича ҳар бир бўғиннинг вазифаси аниқ белгиланиши ва ўз вазифаси доирасида ишлар амалга оширилиши ҳамда бошқариш демократик услубият асосида олиб борилиши лозим. Қўйи бўғин ишларига билиб-билмасдан аралашувларга йўл қўймаслик ва зарар келтирган тақдирда иқтисодий жазо механизми қўлланиши лозим.

Вертикал бўйича соҳани бошқариш тизимини янада такомиллаштириш учун:

- биринчидан, бошқаришдаги бир-бирини такрорлашга барҳам бериш ва ҳар бир бўғин ўзининг функциялари, истиқбол ва жорий муаммолари билан шуғулланиши лозим;

- иккинчидан, барча бошқариш тизими фермерларга, маҳсулотни қайта ишловчи ва сотувчи корхоналарга хизмат кўрсатишга асосланиши ва устуворлик маҳсулот етиштиришга эмас, балки маҳсулотни сотишга қаратилиши лозим;


- учинчидан, қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг демократик тамойилларига асосланиб, фермер ва деҳқон хўжалигида ўзини-ўзи бошқариш ҳамда турли хизмат кўрсатиш объектларидан иборат бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил (янги таҳрири) «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунида фермер хўжалигининг бошлиғи ҳақида махсус 4-модда киритилган ва унда «Фермер хўжалигининг бошлиғи – юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда фермер хўжалиги номидан ана шу хўжалик бошлиғи сифатида иш кўради»<sup>7</sup>, дейилган. Аммо, бошқариш қай тарзда олиб борилиши, бошқариш услубияти ҳақида сўз юритилмаган. Шуни ҳисобга олиб, бир қатор вилоятлар фермер хўжаликлари бошқариш услубиятлари монографик тарзда ўрганиб чиқилди. Яъни, фермер хўжаликларида бошқаришнинг уч услубиятидан (маъмурий, демократик, иқтисодий) фойдаланаётганликлари маълум бўлди.

Монографик ўрганиш ва сўровнома Жиззах, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида ўтказилди ва 670 та ихтисослашиши турлича бўлган фермер хўжаликлари фаолияти танлаб ўрганилди. Бошқариш асосан учта

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами (янги таҳрири). – Т., 2004 йил, 26 август.

услугиятга ёндашган ҳолда (маъмурий, демократик ва иқтисодий) олиб борилмоқда. Вилоятлар бўйича бу услубиятлар қўлланиши ҳар хил даражада бўлмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, Жиззах вилояти фермерлари бошқаришни асосан маъмурий услубиятда олиб боришмоқда, Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткич 74,3 фоизни ташкил қилмоқда. Демократик ва иқтисодий услубиятда бошқариш паст даражада, фақат Хоразм вилоятида 42,1 фоиз бошқариш иқтисодий услубиятга асосланган ҳолда олиб борилмоқда (2-расм).



2-расм. Вилоятларда фермер хўжаликларини бошқариш услубияти бўйича тақсимланиши, фоизда\*

\*Монографик ўрганиш маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Фермерларнинг мустақил қарор қабул қилиши кўп жihatдан бошқариш услубиятига боғлиқлиги кўзга ташланмоқда. Жумладан, маъмурий услубиятда қарор қабул қилиш фермернинг ўзи томонидан, мутахассислар маслаҳатига амал қилинмаган ҳолда ҳал қилинмоқда. Яъни, бунда юқоридан берилган кўрсатмалар мазмун-моҳиятига тўлиқ тушуниб етмасдан амал қилишнинг ҳам таъсири бор, албатта.

Фермерларнинг қарор қабул қилиши технологик (агротехник), маркетинг ва ресурслар таъминоти бўйича ҳам ўрганиб чиқилди. Деҳқончилик, агротехник масалалар бўйича сўровномада иштирок этганларнинг 51,6 фоизи фермернинг ўзи мустақил қарор қабул қилишини, 28,2 фоизи мутахассислар билан маслаҳатлашадиганини айтишган. Маркетинг масалалари (маҳсулот сотиш бўйича) 65,8 фоиз фермерлар мустақил равишда, 23,3 фоизи юқоридан бериладиган кўрсатмалар асосида ва 7,5 фоизи эса маркетинг маслаҳати асосида қарор қабул қилишларини таъкидлаганлар. Ресурслар таъминотида 54 фоиз фермернинг ўзи, 23,4 фоизи марказлаштирилган тартибда таъминланиши, 22,5 фоизи эса ресурсларни турли йўллار билан сотиб олмақдалар. Бугунги кунда фермернинг асосий вақти маҳсулот сотиш ва ресурслар таъминотини ташкил қилишга сарфланмоқда (3-расм).

Сўровнома натижаларига кўра, фермерларнинг ўртача ёши 40-45 ёшга тўғри келаётганлиги аниқланди. Улар сўровномада катнашганларнинг 51,3 фоизини, 55 ёшдан юқорилари 6,9 фоизни, 40 ёшдагилари 9,9 фоизни ташкил

қилган. Шунга эътибор бериш керакки, 25 ёшгача бўлган фермерлар сони 2,1 фоизни ташкил қилмоқда, ҳолос.

Тадқиқотлар давомида фермер хўжалиги раҳбарларининг иш стажига ҳолати ҳам ўрганилди. Иш стажига 5-15 йилгача бўлган фермерлар 75,6 фоизни, стажига 15 йилдан кўп бўлганлари 16,4 фоизни, иш стажига беш йилгача бўлганлари 7,9 фоизни ташкил қилмоқда. Бу ерда фермерлик ҳаракати иқтисодий ислохотлар даврида бошланганини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Юқоридики келтирилган икки омил, яъни фермерларнинг ёши ва иш стажига уларнинг бошқариш услубига бевосита таъсир кўрсатган. Ёши 40 дан ва стажига 15 йилдан ошган фермерлар бошқариш услубиятида кўпроқ демократик ва иқтисодий услубиятга асосланмоқда. Ёши 50 дан ошган ва 35 га етмаган фермерлар эса, бошқаришда кўпроқ маъмурий услубиятни қўллашмоқда. Биринчи ҳолатда эски тизим даврида ишлаганларда ўша давр бошқариш асорати қолган бўлса, иккинчи ҳолатда эса, ҳали етарли даражада тажрибага эга бўлмаганлигининг таъсири бўлмоқда.




3-расм. Фермер хўжалиги раҳбарларининг ўзи технологик, маркетинг ва ресурслар таъминоти билан шуғулланиш ҳолати, фоизда\*

\* Монографик ўрганиш маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Тадқиқотлар давомида фермерларнинг билим даражаси ҳам ўрганилди, жумладан, олий маълумотга эга бўлган фермерларнинг вилоятлар бўйича кўрсаткичи қуйидагича, яъни: Жиззах вилоятида 51,7 фоиз, Наманганда 52,4 фоиз, Сурхондарё вилоятида 54,3 фоиз ҳамда Хоразм вилоятида 42,9 фоизни ташкил қилган. Аммо, уларнинг бир қисмигина қишлоқ хўжалик соҳаси бўйича олий маълумотга эга, қолганлари эса бошқа соҳалар бўйича олий маълумотли бўлганликлари сабабли, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ ўзлаштири олишмаган. Аксарияти қишлоқ хўжалиги ўрта махсус маълумотига эга эканлиги ҳам, албатта, соҳа самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда (4-расм).

Монографик кузатишлардан маълум бўлишича, фермерларнинг бошқариш услуби етарли даражада шаклланмаган ва такомиллашмаган. Бу эса, албатта, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рентабеллик даражаси паст бўлишига олиб келмоқда. Фермерлар бошқариш малакасини ошириш борасида тизимли ишлар

ташқил этилмаётганлиги, истиқболдаги стратегик ривожланиш вазибаларига етарлича эътибор берилмаётганлиги ҳам инобатта олиниши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, махсус дастур доирасида мунтазам равишда фермерларни қайта тайёрлаш ва малақасини ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.




4-расм. Фермер хўжалиги раҳбарларининг маълумотлари бўйича тақсимланиши, фоизда\*

\* Монографик ўрганиш маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Тадқиқот ишида аграр соҳани бошқаришнинг илғор хорижий тажрибалари ўрганилиб, илмий хулосалар чиқарилди.

Иқтисодий ривожланган давлатлар (Франция, Италия, АҚШ, Япония, Германия, Англия, Норвегия, Дания ва бошқалар)да агросаноат мажмуасини бошқаришда мазкур тизим олдига қўйилган маълум бир мақсадларга эришишда, энг аввало, бошқариш қарорлари қабул қилинишига катта эътибор қаратилади. Хорижий давлатларда умумназарий ёндашув бўйича микродаражада, аграр корхоналар (фермер хўжаликлари, фирма, кооператив, корпорация ва ҳоказо) тузиш ва фаолият юритишни ташқил этишдан кўзланган асосий мақсад фойда олишдан иборатдир. Макродаражада эса, хорижда аграр тизимни бошқариш учта асосий мақсадга йўналтирилган бўлади (5-расм).



5-расм. Хорижий давлатларда аграр соҳани бошқаришдаги асосий макроиқтисодий мақсадлар\*

\* Муаллиф томонидан тузилган.

Аграр соҳанинг давлат томонидан мувофиқлаштириб турилишидаги асосий вазифа озик-овқат бозори инфратузилмасида энг паст даражада ҳимояланган товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашдир.

Этакчи давлатларда аграр соҳанинг фойда ҳисобига фаолият юритиши қўйидаги шароитларда амалга оширилмоқда:

- ички бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи, нафақат маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ўз харажатларини қоплаши, балки, маълум даражада соф фойда олишини ҳам таъминлаши;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини бюджетдан тўғридан-тўғри субсидиялар бериш орқали пасайтиришга ёрдам бериш.

Шунга ҳам эътибор бериш лозимки, аксарият ривожланган давлатларда аграр соҳани бошқариш биргина давлат томонидан мувофиқлаштиришгагина хос бўлмай, балки хўжалик даражасида ўзини – ўзи бошқариш тизимидан ҳам иборатдир. Яъни, Англия, АҚШ, Франция каби давлатлар тажрибалари кўрсатишича, давлат тизими билан бир каторда, параллел равишда аграр соҳада қишлоқ хўжалигини вертикал бўйича бошқариш тизими ҳам турли хил иттифоқлар, бирлашмалар, кенгашлар, кооперативлар ва бошқа ташкилотлар шаклида амал қилмоқда.


Масалан, АҚШнинг Иллинойс штатида 4,4 млн. гектарда маккажўхори, 3,7 млн. гектардан ортиқроқ майдонда соя етиштирилиши, икки млн. бош қорамол гўшт ва сут учун боқилишига карамай, буни 100 мингдан зиёдроқ фермер бошқаради. Бу ерда бошқариш демократик асосда ташкил қилинган бўлиб, штат бўйича бошқариш 18 кишидан иборат.

Таққослаш учун, масалан, республикамизда фермерлар сони 66 мингдан зиёдроқ, лекин, бошқаришда банд бўлаётганларнинг сони фермерлар уюшмаси ва унинг туман вакилликларини қўшиб ҳисоблаганда 230 кишидан кўп, бунга вилоятдаги ходимлар қўшилмаган, яна вилоят, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда бўлимлари ходимларини ҳам қўшиб ҳисобланганда уларнинг умумий сони 500 кишидан зиёдроқ бўлмоқда.

Сўнги вақтда АҚШда кооперативлар кооперацияси тузилиши авж олмақда, яъни турли йўналишдаги кооперативларнинг ўз аъзолари учун кенг қўламдаги хизматлар кўрсатишлари бўйича ҳамкорликлари йўлга қўйилган. Уюшмаларга қўшилиш, қўшма корхоналар тузиш, маркетинг агентликлари ёки келишувлар орқали ўз ресурсларини бирлаштириб, хизмат кўрсатишни яхшилаш ва мулкдорлар дастурларини амалга ошириш харажатларини камайтиришга эришмоқда.

Фермер хўжаликларини бошқариш самарадорлигини оширишда уларни турли йўналишлардаги кооперативлар (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, маҳсулотни қайта ишлаш, маҳсулотни сотиш ва хоказолар)га бирлаштириш кишиларни бошқариш принциpidан жараёнларни бошқариш принциpidа ўтишни амалга ошириш имкониятини беради. Шу билан бир қаторда, бошқаришда бир-бирини тақрорлаш масалалари ҳамда маъмурий бошқариш услубиятидан ташқари бошқаришда иктисодий механизми қўллаш имконияти яратилади, бошқариш самарадорлиги ошади ва пировард натижада маҳсулот сифати яхшиланади, маркетинг масалалари йўлга қўйилади, деҳқонлар

даромадлари ошади, қишлоқларнинг ижтимоий ривожланиши жадаллашади (6-расм).



6-расм. Фермер хўжаликларини бошқариш самарадорлигини ошириш механизми\*


\* Муаллиф томонидан тузилган.



Иқтисодиёти тараққий этган давлатларда қишлоқ хўжалигини бошқаришда қонуний ва ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга қатта эътибор берилади. Қонунчиликда асосий эътибор мулкчилик муносабатларига эмас, балки, ишлаб чиқарувчи мулкдорни ёки йўқми, бундан қатъий назар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг турли ташкилий шаклларига эътибор қаратилади.

Францияда аграр ҳуқуқлар ривожланишида икки асосий тенденция: ўз хўжалигига раҳбарлик қилишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг мустақиллиги ва масъулияти оширилиши; ижарачилар ҳуқуқи хўжаликка эгаллик қилиш ҳуқуқи билан ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг соҳиблари ўртасида низо чиқса, қонунга кўра ҳал этилиши кўзда тутилади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланишининг асоси – фаолият кўлами самарали ташкил этилган инновацион бошқарув тизим билан бевосита боғлиқ жараён ҳисобланади. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин (7-расм).



7-расм. Республика аграр соҳасини инновацион бошқарув тизими\*

\* Муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистонда инновацион жараённинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу, унинг кўп тармоқлилиги бўлиб, инновацияни молиялаштиришнинг асосий манбалари – республика бюджети ва маҳаллий бюджет ҳисобланади. Шунга эътибор бериш керакки, бу борада сўнгги йилларда бюджет маблағларининг улуши камайиб бормоқда, хўжалик субъектлари маблағларидан молиялаштириш эса аксинча, кўпайиб бормоқда.

Фермер хўжаликларига ўтказилган сўровнома жавобларига қараганда, уларда замонавий техника-технологияларни жорий қилиш иштиёқи бор, аммо, бунга ўз маблағларини ишлатиш, банклар кредитларидан фойдаланиш бўйича билимлари ва тажрибалари етишмаётганлигини қайд этишган.

Қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш омиллари охир-оқибатда инвестиция ва инновацион жараёнларга бориб тақалади. Бундай ҳолатдан чиқишнинг асосий йўли - замонавий илм-фан ва техника тараққиёти имкониятларидан тўлароқ фойдаланишдан иборат. Бу ялпи ички маҳсулот ўсишини таъминлайди, жумладан, етакчи мамлакатларда фан ва техниканинг ривожланиш имкониятларини ишга солиш ҳисобига ЯИМ ўсиши 50 фоиздан 95 фоиз оралиғида тебранмоқда.

Республика аграр ишлаб чиқариш соҳасида фаол инновацион фаолият билан шуғулланаётган корхоналарнинг улуши уларнинг умумий сонига нисбатан 0,5-0,6 фоизни ташкил қилмоқда. Бунинг асосий сабаблари – инновацион лойиҳаларнинг етишмаслиги, баъзи ҳолатларда умуман йўқлиги, аксарият хўжаликларда малакали кадрлар ва молиявий ресурслар етишмаслиги бўлмоқда. Мамлакат аграр сектор стратегияси инновацияга асослансагина соҳанинг барқарор ривожланиши таъминланиши мумкин. Бу йўналиш миллий иқтисодиётнинг устувор омили сифатида давлат дастурларида ўз ифодасини топиши лозим.

Республикамизда давлат бошқарувини номарказлаштириш, яъни давлат бошқаруви даражалари ўртасидаги ваколатларни аниқ чегаралаш ва бир қатор давлат бошқарув функцияларини босқичма-босқич маҳаллий ва ўзини-ўзи бошқарув органларига бериш тадбирлари амалга оширилмоқда. Демак, бу борада олиб борилган тадқиқотлар, монографик ўрганишлар ва таҳлиллар натижалари бўйича шундай хулосага келинди. Яъни, республика аграр соҳасида бошқариш тизими вертикал бўйича вазирлик, вилоят, туман ва хўжаликлар миқёсида бозор муносабатларига тўла мослаша олмаган. Бошқаришда вертикал бўйича маъмурий услубият билан ёндашиш барча бўғинларда мавжуд бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш муносабатларига таъсири турлича бўлмоқда. Соҳага бошқаришнинг демократик ва иқтисодий услубиятлари секинлик билан кириб бормоқда. Бундан ташқари, юқори ташкилотларнинг қуйи бўғин функцияларига аралашини, бир-бирини такрорловчи бошқариш тизимининг мавжудлиги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатига, умуман, соҳа иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, аграр соҳада вертикал бўйича бошқариш тизимини такомиллаштириш лозим. Бу қуйидаги йўналишларни ўз ичига олиши керак:

биринчидан, энг аввало, республика миқёсида параллел равишда аграр соҳани бошқаришдаги вазирлик, ассоциация, идоралар вазифаларини тартибга солиш лозим;

иккинчидан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий бўғини тузилмасини бозор муносабатларига мослаштириш ва бошқаришда иқтисодий механизмлардан фойдаланиш тадбирлари амалга оширилиши лозим. Бундан ташқари, вилоят ва туманлардаги қишлоқ хўжалиги бошқармаларида вазирлик тузилмаларини айнан такрорлаш ҳолатлари мавжуд бўлиб, бу соҳада бошқариш самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатади. Вертикал бўйича барча бўғинларнинг бошқаришдаги функциялари аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси бўғини 10-12 кишидан, туман қишлоқ хўжалик бошқармаси бўғини 4-5 кишидан ошмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади. Вазирлик, вилоят ва туман қишлоқ хўжалиги бошқармалари кўпроқ макроиқтисодий масалалар, хўжаликлар эса, микроиқтисодий масалалар билан шуғулланишлари мақсадга мувофиқдир.

Фермерларнинг республика уюшмаси, вилоят, туман вакилликларининг бошқаришдаги роли ва функцияси қайта кўриб чиқилиши ҳамда бозор муносабатларига мослаштирилиши лозим, чунки, ҳозирги тизим кўпроқ маъмурий тизимга ўхшаб қолган. Хорижда фермерлар ўзини-ўзи бошқаришни кооперативларга бирлашиш орқали амалга оширадilar. Улар давлат миқёсида Фермерлар иттифоқига бирлашган бўлиб, бу демократик тамойилдаги сайлов орқали ташкил қилинган. Иттифоқлар давлат органлари ва парламентда фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, нарх-наво масалаларига ҳам ўз сиёсатини ўтказди.

Яна бир муҳим масала, вертикал бўйича барча бошқариш тизими иқтисодий омиллар асосида олиб борилиши ва ҳар бир бўғинда мустақил қарор қабул қилиш учун шарт-шароитлар яратилиши бошқаришнинг самарали бўлишини таъминлайди.

Хулоса қилиб шунга айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги амалиётидаги бошқариш тизими вертикал бўйича барча бўғинларда фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олганда бозор тамойилларига тўлиқ мослашган, деб бўлмайди. Бошқарув бўғини ва услубиятининг барча бўғинларини мақбуллаштириш, бозор муносабатларига мослаштириш ва бошқаришнинг иқтисодий механизми жорий қилиниши лозим.

Аграр соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг навбатдаги босқичида бошқаришни такомиллаштириш устувор йўналишлардан бири бўлиши керак. Бунинг учун:

- бошқарув бўғинларини мақбуллаштириш;
- аграр соҳани вертикал бўйича бошқаришни такомиллаштириш;
- бошқаришда функционал вазифаларни аниқ белгилаб қўйиш;
- юқори бошқарув ташкилотларининг қуйи ташкилот ишларига асоссиз аралашувини чеклаб қўйиш лозим.

## ХУЛОСА

1. Республика аграр ишлаб чиқариш бошқаруви такомиллашиши икки йўналишда олиб борилди: биринчиси, вертикал (республика, вилоят, туман ва хўжаликлар) бўйича аграр соҳа бошқарув тузилмаси такомиллашиши (вазирлик ва идоралар бирлашиши, тарқатилиши) акциядорлик жамиятларига айлантирилиши ва улар фаолиятининг бозор муносабатларига мослаштирилиши, қишлоқ хўжалик корхоналарининг мутлақ янги шакллари (фермер ва деҳқон хўжаликлари) ўзини-ўзи бошқариш тизими жорий қилиниши, иккинчиси, бошқаришда экинлар структураси диверсификация қилиниши, ишлаб чиқариш жараёни, технологик жараёнлар ҳам маркетинг бошқариш ёрдамида такомиллаштирилиб борилганлигидир.

2. Аграр соҳани бошқаришда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси, вилоят ва туман бўғинлари тузилмалари етарлича такомиллашмаган ва бир-бирини такрорлаш, шунингдек, юқори ташкилотларнинг қуйи ташкилотлар фаолиятига асоссиз аралашувлари мавжуд. Бу ҳолат вертикал бўйича барча бўғинлар орасидаги бошқарув функцияларини чегаралаб қўйишни тақозо этади. Бу чегаралаш махсус қонун билан белгилаб берилиши лозим.

3. Фермер хўжаликларида олиб борилган монографик кузатишлар ва тадқиқотлар (анкета сўровлари) натижаларига қараганда, уларда бошқариш тизимининг кўпроқ маъмурий услубияти сақланиб қолган (64,5 фоиз), демократик бошқариш 19,1 фоиз, иқтисодий бошқариш эса 16,4 фоизни ташкил этмоқда. Бу уларнинг мустақил қарор қабул қилишида акс этмоқда.

Фермерлар бошқаришда маркетинг, ресурслар таъминоти, технологик ва ҳуқуқий масалаларда мутахассислар ва консалтинг хизмат кўрсатиш марказларига етарлича мурожаат қилмаётганликлари сабабли, кўп вақтлари шу масалаларни ҳал этишга сарф бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бошқариш самарадорлигини оширишга салбий таъсир этмоқда. Бундан ташқари, фермер хўжаликларида қарор қабул қилиш иқтисодий таҳлилларга асосланмаётганлиги учун уларнинг бажарилиши қийинлашиб, қутилаётган самаранинг натижаси паст бўлишига сабаб бўлмоқда.

Фермер хўжалиги раҳбарларининг 40,6 фоизи ўз билими ва малакасини ошириш устида ишламаяпти, 23,7 фоиз хўжаликлар ишлаб чиқаришнинг узок ва қисқа муддатли режасига эга эмас, 34 фоиз фермерлар янги ахборот-коммуникация технологиялари ҳақида тушунчага эга эмаслар ва компьютердан фойдаланмайди, 47,8 фоизи эса меҳнат самарадорлигини оширишга маъмурий буйруқбозлик йўли билан эришишга ҳаракат қилади. Ходимларга чора кўришда 47,5 фоиз ишдан бўшагиш, 43,6 фоиз хайфсан эълон қилиш, фақатгина 8,9 фоиз ҳолатдагина иқтисодий жазо турлари қўлланилмоқда.

Фермерларнинг раҳбарлик услубияти ва самарали фаолият кўрсатишлари хусусида ходимларнинг фикрлари қуйидагича бўлган, яъни 35,4 фоиз фермерни ишбилармон деб билса, 58 фоиз даромади яхши бўлаётганлигини таъкидлайди, 6,6 фоизи эса ишдан бўшаб қолишдан хавфсираганлари сабабли раҳбарни ҳурмат қилар экан.

4. Хорижий давлатларда аграр сектор ривожланишида фермерлар кооперативлари, фермерлар иттифоқи, ўз таркибида омборхоналар, турли асбоб-ускуналар, компьютер техникаларига эга бўлган оилавий фермерлар ассоциацияси катта роль ўйнайди. Фермерлар иттифоқи ва ассоциациялар миллий ва маҳаллий даражада бир-бири билан мустақкам алоқада фаолият юритадилар ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадилар. Биринчиси, қишлоқ хўжалиги ривожланишининг умумий сиёсий йўналишлари бўйича (мамлакат, ҳукумат ва парламент томонидан илгари сурилаётган) маслаҳатлар беради, иккинчиси, техник ва технологик муаммолар ечилишни таъминлаб беради.

5. Ҳозирги вақтда давлат ва жамиятнинг барқарор маънавий, интеллектуал, илмий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосини илм-фаннинг ривожланиши ташкил қилмоқда. Аксарият давлатларда илм-фан ва техниканинг ривожланиши нафақат мамлакат иқтисодиёти, балки, ҳар бир соҳанинг ривожланишида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон аграр соҳасида самарали инновацион фаолият билан шуғулланаётган корхоналар улуши уларнинг умумий сонига нисбатан 0,5-0,6 фоизни ташкил қилади. Бунинг асосий сабаблари инновацион лойиҳаларнинг етишмаслиги, баъзи ҳолатларда умуман йўқлиги, қўпчилик хўжаликларда малакали кадрлар ва молиявий ресурслар тақчиллигидир. Аммо, бугунги куннинг талаби янги турдаги маҳсулотлар яратиш, жорий қилиш, шунингдек, технологик жараёнларни янгиллаб бориш, аҳоли бандлигини таъминлаш, инновацион маҳсулотлар экспорт ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилашдан иборат.

6. Бугунги кунда вертикал бўйича республика, вилоят ва туман қишлоқ хўжалик бошқарма ва бўлимлари бошқарув бўғини штати ниҳоятда катта бўлиб, мазкур тизим бозор муносабатларига етарлича мослашмаган. Шуларни ҳисобга олиб, бошқариш бўғини штатларини қисқартириш, функциялари аниқ чегараларини белгилаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг ишлаб чиқариш, маркетинг ва молиявий фаолиятига ортиқча аралашувларга чек қўйиш лозим. Вертикал бўйича юқори бўғинлар кўпроқ макроиқтисодий ва назорат масалалари билан шуғулланишлари лозим.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси, вилоят ва туман вакилликлари бўғини, бошқариш услубияти фермерлар муаммолари (ҳуқуқлар ҳимояси, нарх-наво масалалари)ни тўлиқ ҳал қилиш лаёқатига эга эмас. Бундан ташқари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг жойлардаги тизимлари билан бир-бирини такрорлашлар мавжуд. Аграр соҳада бошқаришни вертикал бўйича такомиллаштириш, жойларда эса фермер хўжаликларини бошқаришда ўзини-ўзи бошқариш тизимига (кооперативлар, фермерлар иттифоқлари, майда фермерлар ва деҳқон хўжаликлари ассоциациялари) ўтказилиши ва бу бошқариш иқтисодий механизмга асосланган бўлиши лозим. Мазкур таклифлар амалга оширилиши билан соҳада бошқариш самарадорлиги тубдан яхшиланишига, бу эса, ўз-ўзидан ишлаб чиқариш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатишига олиб келади.

## ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РҶЙХАТИ

1. Сайдахмедов О.А. Тараққийёт – аниқ дастурга, мустаҳкам ишончга боғлиқ // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2009. - № 6. – Б. 30-34.
2. Сайдахмедов О.А. Ислохотларнинг мамлакат кишлок хўжалигини ривожлантиришдаги роли // Солиқ тўловчининг журнали.– Тошкент, 2010.- № 12. – Б. 20-21.
3. Қосимов С.С., Сайдахмедов О.А. Иқтисодий ислохотлар даврида аграр соҳани бошқаришдаги ўзгаришлар // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2010.- № 6. – Б. 152-154.
4. Сайдахмедов О.А. Аграр соҳа корхоналарида инновацион ривожланишни бошқариш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2011.- № 2. – Б. 100-101.
5. Сайдахмедов О.А. Продовольственное обеспечение – один из важных факторов экономического роста // Экономика и финансы. – Москва, 2011.- № 5. – С. 28-29.
6. Сайдахмедов О.А. Хорижий давлатларда аграр ишлаб чиқариш тизимини бошқариш тажрибалари // Молия илмий журнали. – Тошкент, 2011. № 3-4. – Б. 125-130.
7. Сайдахмедов О.А. Аграр тармоқни ривожлантириш – иқтисодиётнинг истикболидир // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молия ва бюджет тизимини такомиллаштириш масалалари: республика илмий-амалий анжумани. – Тошкент, Тошкент молия институти, 2010. – Б. 130-131.
8. Сайдахмедов О.А., Назарова У. Аграр соҳани ривожлантиришда молия-банк тизимининг роли // Банк тизими барқарорлигини ошириш ва ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари: республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, Тошкент молия институти, 2010. – Б. 140-142.
9. Сайдахмедов О.А. Кишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг муҳим таянчи // Солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишлари: мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, Тошкент молия институти, Ўзбекистон Миллий университети, 2011. – Б. 275-277.
10. Сайдахмедов О.А. Ўзбекистон аграр соҳасида иқтисодий ислохотлар жараёнида бошқариш ва иқтисодий ўзгаришларнинг тадрижий йўли // Илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларга асосланган кичик бизнесни ривожлантириш муаммолари ёш олимлар нигоҳида: республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, 2011. – Б. 51-52.
11. Назарова Ф., Сайдахмедов О.А. Управление инновационными процессами в АПК // Двадцать четвертые международные плехановские чтения: тезисы докладов.– Москва, ГОУ ВПО «РЭУ им. Г.В.ПЛЕХАНОВА», 2011. – С. 379-380.
12. Сайдахмедов О.А., Назарова У. Аграр соҳада инновацион фаолиятни бошқаришни такомиллаштириш // Илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларга асосланган кичик бизнесни ривожлантириш муаммолари ёш

олимлар нигоҳида: республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, 2011. – Б. 83-85.

13. Сайдахмедов О.А., Назарова У. Аграр тармоқнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни // Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти: республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2011. – Б. 142-143.

14. Сайдахмедов О.А. Экспортга йўналтирилган аграр секторнинг иқтисодий имкониятлари // Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда акмеологик билимларнинг роли: республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, 2011. – Б. 44-45.

15. Бозорова Ф.Т., Сайдахмедов О.А. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш шароитида аграр ишлаб чиқаришда иқтисодий ва тузилмавий тизим ўзгаришлари зарурияти // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатлари, асосий сабоқлари ва миллий иқтисодиётлар ривожланишига таъсири: республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Фанлар Академияси Иқтисодиёт институти, 2011. – Б. 182-185.

16. Сайдахмедов О.А. Фермер хўжаликларини бошқариш услубиятлари ҳолати ва муаммолари // Фан ва технологияларни XXI асрда ривожланиш стратегияси: «Тинбо» илмий-техник жамияти ташкил топганининг 20 йиллигига бағишланган халқаро V конференция. – Тошкент, Ўзбекистон «Тинбо» илмий-техника жамияти, Ўзбекистон корейслар жамияти маданий маркази, 2011. – Б. 279-280.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Сайдахмедов Обидхон Анваровичнинг 08.00.13 - «Менежмент» ихтисослиги бўйича «Аграр соҳани бошқаришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш» мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч сўзлар:** аграр соҳа, ислохот, маъмурий, демократик, иқтисодий бошқарув, корхона, фермер ва деҳқон хўжалиги, инновацион бошқарув, модернизация, услубият, ишлаб чиқариш, самарадорлик, бошқарув механизми, иқтисодий механизм.

**Тадқиқот объектлари:** тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси фермер ва деҳқон хўжаликлари бошқаруви ва иқтисодий фаолияти танланган.

**Ишнинг мақсади:** иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификациялаш шароитида республика ва унинг худудларида аграр соҳани бошқаришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот усуллари:** тадқиқот жараёнида статистик гуруҳлаш ва таққослаш, иқтисодий таҳлил, функционал ёндашув, монографик кузатиш, социологик сўров усулларида фойдаланилган.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** аграр соҳадаги иқтисодий ва таркибий ўзгаришлар зарурияти асосланиб, бошқарувнинг иқтисодий механизми таснифланди; фермер хўжаликлари фаолиятида бошқарувнинг демократик ва иқтисодий услубиятларига ўтиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилган; аграр соҳанинг инновацион лойиҳалар асосида ривожланиши ҳамда фермер хўжаликларини мазкур жараёнга жалб қилиш ва уларнинг вертикал бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Амалий аҳамияти:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилган илмий хулоса ва амалий тақлифлардан республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг вилоят ва туман тизимларини, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ва фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш ва иқтисодий услубиятга ўтказишда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** диссертацияда ишлаб чиқилган илмий тавсиялардан Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси, унинг вилоят ва туман вакилликлари, фермер ва деҳқон хўжаликларини бошқариш тизимини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ишда илгари сурилган назарий қондалар ва хулосалар, таҳлилий маълумотлар «Агросаноат мажмуасини бошқариш», «Менежмент назарияси», «Инновацион менежмент», «Таваккалчиликни бошқариш» каби фанларни ўқитиш жараёнлари услубий таъминланишида қўлланиши мумкин.

**Қўлланиш соҳаси:** қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи корхоналарни бошқариш услубиятини такомиллаштиришда.



## РЕЗЮМЕ

диссертации Сайдахмедова Обидхона Анваровича на тему: «Совершенствование экономического механизма управления аграрной сферой» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.13 - «Менеджмент»

**Ключевые слова:** аграрная сфера, реформа, административное, демократическое, экономическое управление, предприятие, фермерское и дехканское хозяйство, инновационное управление, модернизация, методика, производство, эффективность, механизм управления, экономический механизм.

**Объекты исследования:** в качестве объектов исследования выбраны управление и экономическая деятельность фермерских и дехканских хозяйств Республики Узбекистан.

**Цель работы:** разработка научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию экономического механизма управления аграрной сферой республики и ее регионов в условиях структурных преобразований и диверсификации экономики.

**Методы исследования:** в процессе исследования были использованы методы статистической группировки и сопоставления, экономический анализ, функциональный подход, монографическое наблюдение, социологический опрос.

**Полученные результаты и их новизна:** обоснована необходимость экономических и структурных преобразований в аграрной сфере и проведена классификация механизма ее экономического управления; разработаны предложения по переходу на демократические и экономические методики управления деятельностью фермерских хозяйств; разработаны научно обоснованные рекомендации по развитию аграрной сферы на основе инновационных проектов и вовлечению фермерских хозяйств в этот процесс, а также по совершенствованию их системы вертикального управления.

**Практическая значимость:** разработанные автором научные выводы и практические рекомендации могут быть использованы при совершенствовании системы Министерства сельского и водного хозяйства республики, его региональных управлений и подразделений, Ассоциации фермерских хозяйств Узбекистана и фермерских хозяйствах а также при переходе их на экономический методуку.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** научные рекомендации, разработанные в диссертационной работе могут быть использованы при совершенствовании системы управления Ассоциации фермерских хозяйств Узбекистана, её региональных представительств, фермерских и дехканских хозяйств. Кроме того, выдвинутые теоретические правила и выводы, аналитические справки могут быть использованы при методологическом обеспечении процесса преподавания дисциплин «Управление агропромышленным комплексом», «Теория менеджмента», «Инновационный менеджмент», «Управление рисками».

**Область применения:** при совершенствовании методики управления предприятий сельского хозяйства.

## RESUME

Thesis of Saydakhmedov Obidkhon Anvarovich on the scientific degree competition of the doctor of sciences philosophy in economic on 08.00.13 - «Management», subject: «**Perfection of the mechanism of economic management by agrarian branch**»

**Key words:** agrarian sphere, reform, administrative, democratic, economic management, enterprise, farmer and dekhkansky economy, innovative management, modernization, technique, production, efficiency, management mechanism, economic mechanism.

**Subjects of the research:** as objects of research management and economic activity of farmer and dekhkansky farms of the Republic of Uzbekistan are chosen.

**Purpose of work:** development of scientific offers and practical recommendations about improvement of the economic mechanism of management by the agrarian sphere of the republic and its regions in the conditions of structural transformations and an economy diversification.

**Methods of research:** in the course of research methods of statistical group and comparison, the economic analysis, a functional approach, monographic supervision, sociological poll were used.

**The results obtained and their novelty:** need of economic and structural transformations for the agrarian sphere is proved and classification of the mechanism of its economic management is carried out; offers on transition to democratic and economic techniques of management are developed by activity of farms; scientifically reasonable recommendations about development of the agrarian sphere on the basis of innovative projects and to involvement of farms in this process, and also on improvement of their system of vertical management are developed.

**Practical value:** the scientific conclusions developed by the author and practical recommendations can be used at improvement of system of the Ministry of a rural and water management of the republic, its regional governments and divisions, Association of farms of Uzbekistan and farms and also upon their transition on economic a technique.

**Degree of embed and economic effectivity:** the scientific recommendations developed in dissertational work can be used at improvement of a control system of Association of farms of Uzbekistan, its regional representations, farmer and dekhkansky farms. Besides, the put-forward theoretical rules and conclusions, analytical references can be used at methodological ensuring process of teaching of disciplines «Management of agro-industrial complex», «The management theory», «Innovative management», "Risk management".

**Field of application:** at improvement of a technique of management of the enterprises of agriculture.

Қоғоз бичими	1,2 б.т.
Босишга рухсат этилди	07.04.2012 й.
Тиражи	100 нусха
Буюртма №	488

Тошкент давлат иқтисодиёт унiversитети  
«ТАЛАБА» янги ахборот технологиялари марказининг  
«RISO» нусха кўчириш техникасида chop этилди

Тошкент, Ўзбекистон шoҳ кўчаси, 49-уй